



МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Йўлдошалиев Шахзод

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ORCID: 0009-0004-3617-0746

shakhzodbekyuldashaliev077@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилганлиги, тармоқга хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини самарали усулларини такомиллаштириш тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, инвестиция, тўқимачилик, маҳсулот, хорижий инвестициялар, самарадорлик, пахта толаси, калава ип, тармоқ.

ПОВЫШЕНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В НАШУ СТРАНУ

Юлдошалиев Шахзод

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация. В данной статье констатируется, что серьезное внимание уделяется дальнейшему развитию текстильной промышленности, привлечению в отрасль иностранных инвестиций, внедрению системы менеджмента качества, использованию инновационных методов в управлении, совершенствованию эффективных методов инвестирования и экспортная деятельность предприятий отрасли.

Ключевые слова: экономика, инвестиции, текстиль, продукция, иностранные инвестиции, производительность, хлопковое волокно, калавская пряжа, сеть.

IMPROVING THE ATTRACTION OF FOREIGN INVESTMENTS IN OUR COUNTRY

Yuldoshaliev Shahzod

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract. In this article, it is stated that serious attention is paid to the further development of the textile industry, attracting foreign investments to the industry, introducing a quality management system, using innovative methods in management, and improving the effective methods of investment and export activities of industry enterprises.

Keywords: economy, investment, textile, product, foreign investment, productivity, cotton fiber, kalava yarn, network.

Кириш.

Жаҳонда аҳоли сонининг доимий ошиб бориш тенденцияси кийим-кечак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг мунтазам юқори бўлишини келтириб чиқармоқда. Шу боисдан тўқимачилик тармоғининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши ривожланган мамлакатларда, хусусан Германия, Франция, АҚШда 6-9 % ни, Италияда 12 %ни ташкил этган. Жаҳонда охириги 10 йилда иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш марказлари Европа ва АҚШдан Жанубий-Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка мамлакатларига кўчди (Азимова, 2022).

Шу боисдан тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришни замонавий бошқарув усулларини қўллаган ҳолда янада ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Республикамизда мустақиллик йилларида тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, тармоқга хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг кўламдаги амалий ишлар қилинмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "...иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар" (Фармон, 2022) устувор йўналиш сифатида белгиланди. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолияти самарадорлигини бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда. Шунингдек соҳанинг экспорт салоҳияти 3,2 миллиард доллардан ошди (Фармон, 2023).

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодиётда хорижий инвестицияларни таҳлил қилишда Ғарб ва МДХ мамлакатлари иқтисодчиларининг фикрларига кўра, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодий тизимда жорий этиш учун "Глобаллашув назариялари"ни маҳаллий шароитларга мослаштириш талаб этилади. Хусусан, хорижий инвестициялар тушунчаси бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ривожланиб, мустақилликка эришган давлатларда иқтисодий трансформациянинг асосий қисми сифатида шаклланган.

Кейнс (1978) инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: "Белгиланган даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал қийматининг жорий ўсиши, белгиланган даврдаги даромаднинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми".

Ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқотлар ва турли иқтисодий адабиётларда инвестициялар хусусида ҳар хил қарашлар акс этган. Шлап, Александер, Бейли (2001), Гитман, Джонк, Зубченко каби иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида инвестицияларнинг мазмун-моҳияти борасидаги қарашларда шуни кўриш мумкин.

Шлап, Александер, Бейлилар (2001) тадқиқотларида: "Инвестициялар - келажакда фойда олиш (ижобий самарага эришиш) мақасида бугун маълум бир бойликдан воз кечиш сифатида кўрсатилган".

Гитман ва Джонклар (1997) қуйидаги фикрларни билдирган: "Инвестиция – бу маблағ киритиш мумкин бўлган ихтиёрий инструмент бўлиб ҳисобланади. бунда инвестор капиталнинг қийматини сақлаш ёки ўстиришни ва (ёки) даромаднинг ижобий томонга ўзгаришини таъминлашни кўзлайди".

Профессор Ғозибековнинг (2002) докторлик диссертациясида қуйидагилар баён этилган: “Инвестициялар умуман капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва (ёки) бу қийматини жамғармаларни кўпайтириш мақсадларида капиталга айлантириш пайтида бўлади. Шу сабабли, улар шу вақт оралиғида истеъмол қилинмайди ва муайян муддатга конкрет объект ва жараёнларга бириктирилади, уларда банд қилинади, бунда улар аниқ ва аниқ бўлмаган хатарларга дуч келади”.

Иқтисод фанлари доктори Ҳайдаров (2003) қуйидагича таъриф берган: “Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”.

Додиевнинг (1998) номзодлик диссертациясида қуйидаги таърифни кўришимиз мумкин: “Инвестиция деганда тадбиркорлик фаолият объектларига келгусида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида инвестор қўядиган барча турдаги мулк, молиявий ва интеллектуал бойликларнинг йиғиндиси тушунилади”.

Иқтисодчи олимларимиз Вахабов, Ҳажибакиев ва Муминовларнинг (2010) фикрича: “Инвестициялар капитал қўйилма ва жамғарма тушунчаларидан кенгроқ бўлиб, у пул кўринишидаги иқтисодий ресурслардан иборат бўлади ҳамда бу ресурслар ишлаб чиқаришнинг моддий таъминотини кенгайтириш ва яхшилаш, инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилади”.

Ғарб олимларидан бири Сорнаража (2017) қуйидагича фикр билдиради: “Хорижий инвестициялар бу-активлар эгасининг тўлиқ ёки қисман назорати остида моддий бойлик яратиш мақсадида фойдаланиш учун моддий ва номоддий бойликларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказилишини англатади”.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобини юритиш тартиби, таҳлил қилиш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил, мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришилди. Кенг қўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаш мақсадида келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилиниши кўзда тутилмоқда, шундан 25 миллиард доллари хусусий инвестициялардир. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга тушириш ва яна 40 та янги йирик лойиҳа режаси ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Келгуси йили мингга яқин корхоналар хусусийлаштириш орқали савдога чиқарилади. Юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлади. Одамлар ўз омонатларини инвестиция қилиб юқори даромадларга эга бўлишлиги тўғрисида мурожаатномада ўз аксини топган..

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш

№	Худуд	Инвестиция нормаси	Инвестиция мультипликатори	Иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси
Юқори кўрсаткичга эга ҳудудлар				
1	Қорақалпоғистон Республикаси	61,2	1,43	2,45
2	Бухоро	48,3	2,44	1,90
3	Қашқадарё	45,1	0,81	1,73
4	Сирдарё	35,2	0,39	1,36
5	Тошкент ш.	35,2	0,67	1,35
Ўртача кўрсаткичга эга ҳудудлар				
6	Навоий	32,5	0,63	1,25
7	Жиззах	30,9	0,33	1,19
8	Наманган	28,7	0,43	1,09
9	Сурхондарё	28,0	0,40	1,06
10	Республика	25,9	0,63	0,95
11	Тошкент вил.	24,6	0,80	0,95
Нисбатан паст кўрсаткичга эга ҳудудлар				
12	Хоразм	23,9	0,29	0,94
13	Самарқанд	23,4	0,57	0,92
14	Фарғона	20,3	0,55	0,79
15	Андижон	17,4	0,61	0,67

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки Республикамиз ҳудудларидаги инвестиция нормаси учта кўрсаткич орқали тақсимланган.

Бунда:

1. Юқори кўрсаткичга эга ҳудудлар;
2. Ўртача кўрсаткичга эга ҳудудлар;
3. Нисбатан паст кўрсаткичга эга ҳудудларга ажратиб кўрсатилган.

Юқори кўрсаткичга эга ҳудудлар тоифасига - Қорақалпоғистон Республикасининг инвестиция нормаси 61,2 фоизни, Бухоро вилояти - 48,3 фоизни, Қашқадарё вилоятининг инвестиция нормаси - 45,1 фоизни, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида -35,2 фоизи инвестиция нормаларини ташкил қилади.

Ўртача кўрсаткичга эга ҳудудларга - Навоий-32,5 фоизни, Жиззах-30,9 фоизни, Наманган - 28,7 фоизга, Сурхондарё - 28,0 фоизга, Тошкент вилояти - 24,6 фоизи инвестиция нормаларини ташкил қилади.

Нисбатан паст кўрсаткичга эга ҳудудларга - Хоразм вилояти -23,9 фоизни, Самарқанд вилоятига - 23,4 фоизни, Фарғона вилояти - 20,3 фоизини, Андижон вилояти - 17,4 фоизини ташкил қилган.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд долл., жумладан 70

млрд долл. хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш мақсад қилиб олинган.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш ҳамда экспортни рағбатлантириш бўйича «туман, шаҳар, вилоят, республика» тизимида ишловчи Лойиҳа гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат комиссияси баёни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ҳар бир вилоятда лойиҳаларни молиялаштириш учун тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокидаги «Холдинг компания» ташкил этиш ва унинг фаолияти бўйича аниқ тартиб ишлаб чиқиш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсад қилинган. Бунда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йилгача мўлжалланган хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида, вазирлик ва идоралар, ҳамда хорижий консультантлардан ташкил топган ишчи гуруҳни шакллантириш лозим.

2. Стратегия лойиҳасини ишлаб чиқишда асосий устуворликларни қуйидагиларга қаратиш зарур:

* пандемия сабабли дунёда инвестиция бозорида вужудга келаётган ўзгаришлар таҳлили;

* эҳтимоли тенденцияларни таҳлил қилиш;

* инвестициялар учун вужудга келадиган кескин рақобатга қарши чоралар.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг янги самарали механизмларини ишлаб чиқишда ички инвестиция ресурсларини рағбатлантириш механизмларини ва мамлакатда реинвестиция даражасини ошириш чора тадбирларини ҳамда ҳудудлардаги инвестиция кўрсаткичларидаги диспропорцияларни қисқартириш, устувор ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг инвестиция фаолиятини жонлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай ҳўжалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуаси иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг давлат сиёсати ҳисобланади;

Хулоса ва таклифлар.

Ҳозирги шароитда инвестицион муҳит фақат давлат органларининг таъсири остида шаклланимуда. Албатта, бу ишларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан, жумладан, хорижий инвестиция билан ташкил этилиб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришган компания ва фирмалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу жараёни амалга оширишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим

Ўзбекистон хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча стратегияларидан фойдаланиши мумкин: инвестиция муҳитини яхшилаш; солиқ ислохотлари; инфратузилмани ривожлантириш; тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш; инсон капиталини ривожлантириш; асосий тармоқларга инвестицияларни рағбатлантириш; ҳамкорликни ривожлантириш;

- мамлакат ёки минтақада инвестиция муҳитини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин бўлган усуллар қуйидагилардир: барқарор сиёсий ва иқтисодий вазият; бюрократик жараёнларнинг шаффофлиги ва соддалаштирилиши; инфратузилмани қўллаб-қувватлаш; мулк ҳуқуқининг кафолатлари; моддий рағбатлантириш ва имтиёзлар; инсон капиталини ривожлантириш; хусусий сектор билан ҳамкорлик; халқаро ҳамкорлик.

Инвестицион муҳит инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмуини акс эттирувчи ходисадир. Аниқроғи, инвестиция муҳити деганда банклар ва жисмоний шахсларнинг инвестиция киритиш ва қарз бериш салоҳиятига таъсир қиладиган мамлакатдаги иқтисодий, молиявий ва ижтимоий-сиёсий шароитлар тушунилади. Инвестицион муҳит объект категорияси бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради.

Адабиётлар/Литература/References:

- Dodiyev F.U.(1998) *Investitsiya faoliyatini moliyaviy rag`batlantirish. Diss. avtoreferati: iqtisod fan nomzodi.* –T.: 10-bet.
- G`ozibekov D.G`. (2002) *Investitsiyalarni moliyalashtirish muammolari. Diss.: iqtisod fan doktori.* –T.: 24-bet.
- Haydarov N.H. (2003) *Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida korxonalar investitsion faoliyatidagi moliya-soliq munosabatlarini takomillashtirish masalalari. Diss.: iqtisod fan doktori.* –T.: 29-bet.
- Sornarajah M. (2017) *The international law on foreign investment, - Cambridge University Press.*
- Азимова.Ф.П. (2022) *Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. 28 июнь. "Фастор боок" нашриёти.*
- Вахабов А.В., Хажибалкиев Ш.Х, Муминов Н.Г. (2010) *Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т. "Молия", Б-303*
- Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. (1997) *ОСНОВЫ ИНВЕСТИРОВАНИЯ: пер. с англ. –М.: Дело, стр-10.*
- Кейнс Дж.М. (1978) *Общая теория занятости, процента и денег. - М., -128 с.*
- Маликов Т.С., Ваҳобов Д.Р. (2012) *Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма – Т.: Иқтисод-молия.*
- Мурожаатнома (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022йил. 21 декабрь.*
- Раҳимова Н. Ж. (2022) *Инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳитининг аҳамияти //RESEARCH AND EDUCATION. . – Т. 1. – №. 3. – С. 229-239*
- Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.*
- Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2023 йил. 10 январь № ПФ-2*
- Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. (2001) *ИНВЕСТИЦИИ: пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, стр-979.*